



ИНГЛИЗ ТИЛИДА МОДАЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юнусов Ахлиддин Убайдуллаевич

Фаргона давлат университети

лингвистика (инглиз тили)

II курс магистранти

Юсупжанова Феруза Қурбановна

Гуманитар йўналишлар бўйича чет

тиллари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада инглиз тилидаги модалликни ифодалашнинг лексик усуллари таҳлил этилади.*

Таянч сўзлар: *модаллик, лексик воситалар, модал сўзлар, воқелик, модал ибора, модал феъл.*

Annotation: *This paper deals with lexical ways of expressing modality in English.*

Key words: *modality, lexical means, modal words, reality, modal phrase, modal verb.*

Аннотация: *В данной работе рассматриваются лексические способы выражения модальности в английском языке.*

Ключевые слова: *модальность, лексические средства, модальные слова, действительность, модальное словосочетание, модальный глагол.*

Маълумки, модаллик гапнинг асосий категорияларидан бири бўлиб, у хабарнинг воқеликка муносабатини ва сўзловчининг хабарга муносабатини ифодалайди. Модалликнинг морфологик маркази - предикатив муносабатнинг воқелик билан боғланишини ифодаловчи ва уни реал ёки нореал сифатида ифодаловчи майлнинг грамматик категориясидир. Хозирга қадар лингвистикада модаллик кўшимча маъносига эга бўлган махсус сўзлар масаласи долзарб ва баҳсли бўлиб қолмоқда.

Тилшунослик модалликни тадқиқ этишда узоқ йўлни босиб ўтди. Модалликнинг биринчи таърифи О.С. Ахмонованинг лингвистик луғатида учрайди ва модаллик сўзловчининг гап мазмунига муносабати ва гап мазмунининг воқеликка муносабати маъноси билан шакл ва майл, модал феъллар каби турли лексик ва грамматик воситалар билан ифодаланган концептуал категория сифатида қаралади.

В.В.Виноградов, А.Н.Гвоздев, Д.Э.Розентал асарларида модал сўзлар айтилаётган нарсага модал-мантиқий баҳо беришдан ташқари, субъектнинг воқелик ёки кўрсатиш (хабар, экспресс) муносабатлари, боғланиш ва кетма-кетлик, тартиб ҳодисаларига ҳиссий-экспрессив муносабатларни ҳам ифодалаши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Л.Л.Буланин, шунингдек,



сўзларнинг субъектив-модал функциясини уларни махсус морфологик синфга ажратиш учун етарли далил деб ҳисобламайди. Ф.И.Панков модал сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини, шунингдек, алоқа актидаги иштирокини таҳлил қилиб, улар сўз туркумини ҳам, мустақил луғат бирликларини ҳам ифодаламайди, деган хулосага келади.

Модал сўзлар сўзловчининг гапда айтилган гапга ишонч, шубҳа, тахмин, ижобий ёки салбий баҳо беришни билдирувчи бутун гапга муносабатини билдиради. Модал сўзлар содда (sure, perhaps), ясама (surely, naturally, really) ва қўшма (maybe, to be sure) бўлиши мумкин. Энг кўп ишлатиладиган модал сўзлар гуруҳига қуйидагилар киради:

1) Ишонч билдирувчи модал сўзлар: of course, sure, surely, to be sure, sure enough, no doubt, naturally.

2) Шубҳа ва тахминни ифодаловчи модал сўзлар: maybe, perhaps, probably.

3) Маъқуллаш ёки рад этишни ифодаловчи модал сўзлар: fortunately, unfortunately, luckily, unluckily, happily, unhappily.

4) кучайтиришни ифодаловчи модал сўзлар: indeed, really.

Perhaps you're right.

Surely you are not going alone!

Unfortunately the weather was bad.

I really don't know what's to be done.

Maybe Mary is ill.

No doubt he will come later.

Of course I understand it.

Модал сўзларга сўралган нарсани тасдиқлаш ёки рад этишни ифодаловчи тасдиқловчи ва инкор сўзлари (иборалари) ҳам киради. Бундай ҳолда, улар бутун жумлалар ролини ўйнаши мумкин. Энг кенг тарқалган модал сўзлар ва тасдиқловчи иборалар: Yes. Yes, of course. Of course. Oh, yes. Certainly. Most certainly. Yes, indeed. Sure! Surely! By all means. No doubt. Perhaps. Maybe.

Would you talk to him? — Yes, of course.

Do you agree with me? — Sure!

Will you come? — By all means.

Will you be present? — Perhaps.

Энг кўп ишлатиладиган модал сўзлар гуруҳлари орасида ишонч билан боғлиқ сўзлар гуруҳи таҳлилга тортилганда ишонч мазмунидаги модал сўзлар семантик умумийликка асосланган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилиши маълум бўлди. Ушбу гуруҳга surely, certainly, of course, sure, undoubtedly модал сўзлари ва no doubt, for sure, for certain, to be sure, without doubt нутқий тузилмалари мансуб. Ушбу гуруҳдаги модал сўзлар мазмунида иккита маъно компоненти ажратилади: 1) субъектив ишонч, сўзловчининг аминлиги ва 2) баҳоланаётган фикрнинг ҳақиқатга мослигига асосланган объектив ишонч. Ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг кўпчилиги ихчамлаштирилган



предикация сифатида намоён бўлади: I'm sure - Surely, I'm certain - Certainly, I have no doubt - Undoubtedly. Констатив нутқий акт мундарижасига ишонч мазмунини киритиб, ушбу гуруҳ модал сўзлари ва нутқий тузилмалар пропозицияга ҳаққонийлик, ростлик табиатини беради ва шу билан биргаликда, унга категориаллик тусини беради. Ушбу гуруҳ модал сўзлари нутқий тузилмада турли қўшимча мазмунларни ифодалаш мумкин. Бу қўшимча модал мазмунлар констатив нутқий актининг прагматик қийматига таъсир қилади.

Демак, *certainly* модал сўзининг асосий семаси 1) шубҳа билдирмаслик, 2) объектив маълумотларга асосланган ишонч ҳисобланади. Шу билан биргаликда, *certainly* модал сўзи сўзловчининг ишончини хозирги лаҳзада берилаётган хабар доирасида чегаралаб қўяди. *Surely* модал сўзининг мазмунидаги асосий семалар 1) ишонч, 2) шубҳасизлик 3) ҳақиқат ҳисобланади. *Surely* модал сўзи орқали бериладиган ишонч маъноси сўзловчининг субъектив маълумотларига, туйғуларига, сўзловчи қайсидир жиҳатда адресатни ўзининг фикрига қўшилишга чорлайди.

Undoubtedly, no doubt модал сўзлари нутқий тузилма модал доирасига шубҳа йўқлиги ва ишонч (*undoubtedly*) ёки эҳтимолнинг мавжуд эмаслиги мазмунларини киритади. *No doubt* модал иборасининг киритилиши адресатда туғилиши эҳтимоли бўлган шубҳаларни ифодалаш учун мулжалланган.

Of course модал сўзи пропозиция билан воқеалар ривожининг табиий кечиши ҳодисалар табиийлигини боғлайди.

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, *certainly* модал сўзи энг юқори таъсир кучига эга. *Certainly* оператори воситасида киритиладиган ишонч мазмуни, одатда, объектив маълумотларга асосланганлиги сабабли, ушбу оператор пропозицияни воқеликдаги ҳодисаларга мослаштирувчи, яъни *really, actually, indeed* модал сўзларига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Шундай қилиб, ишонч мазмунидаги барча модал сўзлар ичида *certainly* модал сўзи пропозицияга юқори даражадаги ишонч мазмунини беради ва табиий равишда категориаллик таъкиднинг “ҳақиқаттан ҳам” мазмунидаги модал сўз ва ибораларига яқин жойдан ўрин олади. Агар айни бир нутқий тузилмаларда прагматик мазмун иккита семантик бир таркибли бирликлари билан янгиланса, уларнинг иккинчиси биринчисига нисбатан “кучлироқ” деб тахмин қилиш мумкин. Қуйидаги мисоллар билан ҳам юқоридаги хулосаларни тасдиқлаш мумкин:

- You can't even ride a horse. - Who can't? Sure I can. Certainly I can;

“Then your mother didn't have any romantic attachment for Fleetwood whatever?” “Of course not, certainly not”.

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар учун гапда турли ўринларда жойлашиш хусусияти хосдир. Констативга у ёки бу модал сўз орқали ишонч мазмунини берадиган модал сўзнинг гапда маълум ўринни эгаллаши қатъий равишда мазмун ўзгаришига таъсир этади. Энг кўп тарқалган ҳолат операторнинг нутқий



тузилма бошида жойлашгани ҳисобланади. Ушбу позицияда модал сўзларнинг вазифаси адресат диққатини дарҳол сўзловчининг хабар бераётган ахбороти ҳаққонийлигига ишонишига қаратилади ва адресатга хабарни рост деб қабул қилиши лозимлигига ишора қилиниб, таъкиднинг юқори даражаси намоён этилади:

- How's Columbia? Ya like it?

- Certainly I like it.

- Surely Matthias can effect swift, safe transportation. Sure, you'll get applause – any audience will applaud for something extra they get for nothing; Of course, the police will check the calls; No doubt she'll be at your precious dinner.

Шундай қилиб, таъкидлашнинг энг юқори даражаси нутқий тузилмага certainly модал сўзи орқали берилар экан. Мазмунни кучайтирувчи бирликлар қаторининг энг юқорисида surely модал сўзи, ундан кейин of course, undoubtedly ва сўнг эса, less суффиксининг мавжуд бўлишига қарамасдан гумон, ишончсизлик тусига эга бўлган doubtless модал сўзига яқинроқ турган no doubt ибораси жойлашган. Шундай қилиб, ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг таъкидлаш даражаси куйидаги кўринишда намоён этилиши мумкин: no doubt – undoubtedly – of course – surely – certainly. Ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг интерпозицияда, яъни эга ва кесим орасида жойлашувини кузатиш мумкин. Бу ҳолда категориаллик таъсири шу қадар пасаядики, модал сўз предикат воситасида ифодаланган ҳаракатнинг ҳаққонийлигини кучайтиради:

He certainly had some damned old friends, the Rucker said. And he surely must have introduced himself at meetings of AA as all members must. George Mellis sure didn't fly in that evening, Phil. The pen of course moves more slowly than in the case of genuine signature.

Агар предикат мураккаб феъл шакли сифатида намоён бўлса, модал сўз асосий маъновий феълдан олдин жойлашиши мумкин:

It's a pleasure to meet you, Mrs. Ashley, I've certainly been hearing a lot about you; I've heard a lot about your spread, Mrs. Blackwell. I'd sure like to see it; I shall of course have a handwriting expert immediately check this letter and the signature on the cheque...; The lady, who ever she is, will no doubt be perfectly happy to wait for you.

Модал иборанинг нутқий тузилма охирида жойлашуви бутун бир нутқий тузилманинг прагматик мазмунини кучайтириб, унга қатъиятлилиқ табиатини ато этиши мумкин:

- You can tell from the type of injury what caused it.

- Only in thrillers, surely

- Didn't you have any wish to see the case through?

- I was irked, sure I didn't buy it myself, of course (Maugham, 1, p. 320).

Модал сўзнинг нутқий тузилма охирида жойлашуви, ундан олдин келган элементга қаратилган бўлиши ва унинг мазмунини кучайтириши мумкин:



When the word came through about you, I rang him up – from a public box, of course.

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар маъноси модалликнинг ифодаланишига бориб тақаладиган, мустақил мулоқот бирликлари вазифасида ишлатилиши мумкин, “лисоний бирликнинг моддий мазмуни эса контекстда берилган бўлади”.

- Who the hell is Anne?
- Only the best friend you ever had.
- Oh, sure;
- You can't prove when your own tracks were made.
- Well, of course.
- Would you mean it's public information? Most certainly

Шундай қилиб, модал сўзнинг нутқий тузилма охирида жойлашуви бошида жойлашувига қараганда тузилмага камроқ таъкид мазмунини бағишлайди. Инициал позиция адресатга олдиндан у ёки бу воқеа ёки ҳаракатга сўзловчининг ишончи комиллигидан дарак бериш билан боғланган. Модал оператор нутқий тузилманинг охирида жойлашган ҳоллар шундан дарак берадики, сўзловчи фикр баёнининг танланган шаклидан

қониқмасдан, нутқий тузилманинг охирида ишонч мазмунидаги модал сўздан фойдаланади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ахмонова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969г.
2. Белякова А.А. Лексические средства выражения модальности в английском языке. Материалы Конференции “Современные проблемы развития техники, экономики и общества”, Лениногорск, 2016 г.
3. Буланин Л.Л. Трудные вопросы морфологии. – М. Просвещение, 1976.
4. Панков Ф.И. О морфологии и синтаксисе модальных слов // Русский язык: исторические судьбы и современность: Международный конгресс исследователей русского языка. Труды и материалы. Под общей ред. М.Л.Рёмневой и А.А.Поликарпова. М.: Изд-во МГУ, 2001.